| ОНЛАЙН РАВИШДА АЖРАТИЛАДИГАН КРЕДИТЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ ЮЗАСИДАН ОММАВИЙ ОФЕРТА | ПУБЛИЧНАЯ ОФЕРТА ПО СТРАХОВАНИЮ КРЕДИТА, ВЫДАВАЕМОГО ОНЛАЙН |
|---|---|
| Мазкур оммавий оферта юридик шахсларга ва юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларига “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ва унинг филиаллари томонидан онлайн равишда ажратиладиган кредитларнинг таъминоти сифатида суғурталаш таклифи бўлиб ҳисобланади. | Настоящая публичная оферта является предложением страхования в качестве обеспечения кредитов, предоставляемых в онлайн-режиме АКБ "Ўзсаноатқурилишбанк" и его филиалами юридическим лицам и хозяйствующим субъектам, осуществляющим предпринимательскую деятельность без образования юридического лица. |
| Юридик шахс вакили ва юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъекти вакили мазкур таклифда кўзда тутилган ҳатти-ҳаракатлар амалга оширган (акцептланган) пайтидан бошлаб, “NEO INSURANCE CORP” АЖ (кейинги ўринларда – суғурталовчи), суғурта қилдирувчи ва Юридик шахс ва юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъекти (кейинги ўринларда “Қарздор”)лар ўртасида шартнома тузилган ҳисобланади ҳамда Қарздор мазкур оммавий оферта шартномасининг барча шартларини истисно қилмасдан сўзсиз қабул қилганлигини англатади.<br>Ушбу суғурта тури ихтиёрий бўлиб, суғурталаш суғурта мукофотини тўлаш орқали амалга оширилади. | С момента совершения (акцепта) представителем юридического лица и представителем хозяйствующего субъекта, осуществляющего предпринимательскую деятельность без образования юридического лица, действий, предусмотренных настоящим предложением, между АО "NEO INSURANCE CORP" (далее - страховщик), страхователем и юридическим лицом и хозяйствующим субъектом, осуществляющим предпринимательскую деятельность без образования юридического лица (далее - "Должник"), считается заключенным договор, и это означает, что Должник безоговорочно принял все условия настоящего договора публичной оферты без исключения.<br>Данный вид страхования является добровольным, страхование осуществляется путем уплаты страховой премии. |
| **1. Мазкур офертанинг предмети** | **1. Предмет настоящей оферты** |
| Мазкур оферта орқали Суғурталовчи суғурта мукофоти мазкур офертада кўрсатилган миқдор ва муддатда тўланилиши эвазига, суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта қопламасини Суғурта қилдирувчига белгиланган тартибда ва миқдорда қоплаш мажбурияти олинади. | Настоящей офертой Страховщик принимает на себя обязательство выплатить Страхователю страховое возмещение в установленном порядке и размере при наступлении страхового случая при условии оплаты страховой премии в размере и сроки, указанные в настоящей оферте. |
| **2. Офертада қуйидаги атамалар ва таърифлар қўлланилади:** | **2. В оферте применяются следующие термины и определения:** |
| **Суғурталовчи** – мазкур оферта шартлари бўйича суғурта тўловини амалга ошириш мажбуриятини қабул қилувчи суғурта компанияси бўлиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади. Суғурталовчи “NEO INSURANCE CORP” АЖ. | Страховщик - страховая компания, принимающая на себя обязательство осуществить страховую выплату на условиях настоящей оферты и осуществляющая свою деятельность в соответствии с законодательством Республики Узбекистан. Страховщиком является АО "NEO INSURANCE CORP." |

| | |
|---|---|
| **Суғурта қилдирувчи** – мазкур офертада тараф сифатида иштирок этувчи ва суғурталовчи билан аниқ суғурта муносабатларига киришувчи ҳамда мулкий наф олувчи “банк” ва унинг филиаллари, банк хизматларини кўрсатувчи офислари, марказлари ва сотув нуқталари. | Страхователь - "банк" и его филиалы, офисы, центры и точки продаж, предоставляющие банковские услуги, выступающие в качестве стороны в данной оферте и вступающие в конкретные страховые отношения со страховщиком, а также получающие имущественную выгоду. |
| **Қарз олувчи** – Суғурта қилдирувчи билан юридик муносабатларга кирувчи лаёқатли юридик шахс ва юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъект бўлиб, кредит шартномаси бўйича Суғурта қилдирувчидан кредитни маълум муддатга олувчи бўлиб, қарз олувчи кредит шартномаси шартларига кўра олинган кредит маблағларини белгиланган муддатларда қайтариш ва унинг фоизларини тўлаш мажбуриятини олади. | **Заемщик** - это дееспособное юридическое лицо или хозяйствующий субъект, осуществляющий предпринимательскую деятельность без образования юридического лица, вступающие в юридические отношения со Страхователем. Заемщик получает кредит от Страхователя на определенный срок по кредитному договору и обязуется возвратить полученные кредитные средства и выплатить проценты в установленные сроки согласно условиям кредитного договора. |
| **Кредит шартномаси** – Суғурта қилдирувчи ва Қарз олувчи ўртасида қайтарувчанлик, фоизлилик, таъминланганлик ва муддатлилик шартлари асосида пул маблағларини ажратиш мақсадида онлайн расмийлаштириладиган ҳужжат (оммавий оферта) | **Кредитный договор** - документ (публичная оферта), оформляемый онлайн между Страховщиком и Заемщиком с целью предоставления денежных средств на условиях возвратности, платности, обеспеченности и срочности |
| **Суғурта ҳодисаси** – Мазкур офертанинг 3-бўлимида кўзда тутилган суғурта ҳодисасининг суғурта муддати мобайнида содир бўлиши билан Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига Суғурта товонини тўлаб бериш мажбуриятининг юзага келиши. | **Страховой случай** - возникновение обязательства Страховщика выплатить Страхователю Страховое возмещение при наступлении в течение срока страхования страхового случая, предусмотренного разделом 3 настоящей оферты. |
| **Суғурта пули (суммаси)** – муайян сумма бўлиб, суғурталовчи суғурта товонини (суғурта тўловини) мазкур оферта бўйича ушбу сумма доирасида тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. | **Страховая сумма** (страховой лимит) - определенная сумма, в пределах которой страховщик обязуется выплатить страховое возмещение (произвести страховую выплату) по данной оферте. |
| **Суғурта мукофоти** – мазкур мазкур офертада белгиланган тартиб ва муддатларда тўланиши шарт бўлган суғурта учун тўлов**.** Суғурта мукофоти Қарз олувчи ва/ёки қонунчиликда таъқиқланмаган шартларда учинчи шахслар томонидан тўланиши мумкин. | **Страховая премия** - плата за страхование, подлежащая уплате в порядке и сроки, установленные настоящей офертой. Страховая премия может быть оплачена Заемщиком и/или третьими лицами на условиях, не запрещенных законодательством. |
| **Суғурта қопламаси (суғурта товони)** – мазкур офертада назарда тутилган суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта қилдирувчига, суғурталанган шахсга (наф олувчига) ҳар бир суғурталанган шахс учун суғурта суммаси доирасида тўланадиган пул маблағлари суммаси. | **Страховое возмещение** (страховая выплата) - сумма денежных средств, выплачиваемая страхователю, застрахованному лицу (выгодоприобретателю) при наступлении страхового случая, предусмотренного настоящей офертой, в пределах страховой суммы за каждое застрахованное лицо. |
| **Суғурта полиси** – Суғурталовчининг суғурта товони (суғурта тўлови)ни тўлаш | **Страховой полис** - документ, подтверждающий вступление в силу |

| | |
|---|---|
| бўйича мажбуриятларини кучга кирганлигини тасдиқловчи, суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланганидан кейин унга бериладиган ҳужжат. Суғурта полиси электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон хужжат сифатида хам бўлиши мумкин. Полиснинг намунавий шакли илова келтирилган. | обязательств страховщика по выплате страхового возмещения (страховой выплаты), выдаваемый страхователю после уплаты им страховой премии. Страховой полис может также существовать в виде электронного документа, заверенного электронной цифровой подписью. Типовая форма полиса приведена в приложении. |
| **Оферта** (оммавий оферта) – шартноманинг барча асосий шартларини ўз ичига олган, таклиф киритаётган шахснинг жавоб қайтарган ҳар қандай шахс билан таклифда кўрсатилган шартлар асосида шартнома тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган таклиф. | **Оферта** (публичная оферта) - предложение, содержащее все существенные условия договора, в котором явно выражена воля лица, делающего предложение, заключить договор с любым откликнувшимся лицом на условиях, указанных в данном предложении. |
| **Тўлов санаси** – Кредит шартномаси (тўлов графиги) га асосан Қарз олувчи томонидан Суғурта қилдирувчи олдидаги кредит бўйича фоиз қарздорлигини ва асосий қарзни тўлаш куни ёхуд банкнинг кредит қарздорлигини муддатидан олдин тўлиқ ундириш юзасидан қарори чиқарилган кун. | **Дата платежа** - день погашения Заемщиком процентной задолженности по кредиту и основного долга перед Страхователем согласно кредитному договору (графику платежей), либо день принятия банком решения о досрочном полном взыскании кредитной задолженности. |
| **Суғурта муддати -** суғурта мукофоти ўз вақтида тўланиши шарти билан мазкур оферта бўйича ушбу вақт оралиғида суғурта ҳодисаси юзага келганда суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш мажбуриятлари амалда бўладиган, суғурта полисида ёки унинг иловасида аниқ кўрсатилган вақт оралиғи. | **Срок страхования** - четко указанный в страховом полисе или приложении к нему период времени, в течение которого по данной оферте действуют обязательства страховщика по выплате страхового возмещения при наступлении страхового случая, при условии своевременной уплаты страховой премии. |
| **3. Суғурта ҳодисаси** | **3. Страховой случай** |
| 3.1. Суғурта ҳодисаси бўлиб, суғурта муддатида юзага келган, Қарздорнинг кредит шартномаси бўйича зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги ҳамда кредит қарздорлиги (кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни, пеня)ни кредит шартномасида белгиланган шартлар ва муддатларда тўлай олмаганлиги ҳисобланади. | 3.1. Страховым случаем считается возникшее в течение страхового периода неисполнение или ненадлежащее исполнение Должником обязательств, принятых на себя по кредитному договору, а также неспособность погасить кредитную задолженность (основной долг и проценты по кредиту, пени) на условиях и в сроки, установленные кредитным договором. |
| **4. Суғурта пули, суғурта мукофоти ва суғурта полисини бериши тартиби** | **4. Порядок выдачи страховой суммы, страховой премии и страхового полиса** |
| 4.1. Суғурта пули суғурта полисида кўрсатиб ўтилади. Кредит қайтмаслик (14 класс) хавфи бўйича суғурта пулининг миқдори кредит суммасининг 130 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади.<br>4.2. Суғурта мукофоти Қарз олувчи ёки амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган тартибда учинчи шахслар томонидан Суғурталовчининг | 4.1. Страховая сумма указывается в страховом полисе. По риску невозврата кредита (14 класс) размер страховой суммы устанавливается в размере не более 130 процентов от суммы кредита.<br>4.2. Страховая премия должна быть полностью уплачена Заемщиком или третьими лицами на счет Страховщика до или после выделения |

| | |
|---|---|
| ҳисобварағига кредит ажратилишидан аввал ёки кейин тўлиқ тўланиши шарт. | кредита в порядке, не противоречащем действующему законодательству. |
| 4.3. Суғурта мукофоти суғурта пулидан:<br>- суғурта муддати 12 (ўн икки) ой ва 12 (ўн икки) ойгача бўлганда, суғурта мукофоти **суғурта пулидан 2,3 фоиз** миқдорида;<br>- суғурта муддати 24 (йигирма тўрт) ой ва 12 (ўн икки) ойдан 24 (йигирма тўрт) ойгача бўлганда, суғурта мукофоти **суғурта пулидан 2,8 фоиз** миқдорида;<br>- суғурта муддати 36 (ўттиз олти) ой ва 24 (йигирма тўрт) ойдан 36 (ўттиз олти) ойгача бўлганда, суғурта мукофоти **суғурта пулидан 3,4 фоиз** миқдорида;<br>- суғурта муддати 48 (қирқ саккиз) ой ва 36 (ўттиз олти) ойдан 48 (қирқ саккиз) ойгача бўлганда, суғурта мукофоти **суғурта пулидан 3,8 фоиз** миқдорида ҳисобланади.<br>- суғурта муддати 60 (олтмиш) ой ва 48 (қирқ саккиз) ойдан 60 (олтмиш) ойгача бўлганда, суғурта мукофоти **суғурта пулидан 4,3 фоиз** миқдорида ҳисобланади. | 4.3. Страховая премия рассчитывается от страховой суммы:<br>- при сроке страхования 12 (двенадцать) месяцев и до 12 (двенадцати) месяцев, страховая премия составляет **2,3 процента от страховой суммы**;<br>- при сроке страхования 24 (двадцать четыре) месяца и от 12 (двенадцати) до 24 (двадцати четырех) месяцев, страховая премия составляет **2,8 процента от страховой суммы**;<br>- при сроке страхования 36 (тридцать шесть) месяцев и от 24 (двадцати четырех) до 36 (тридцати шести) месяцев, страховая премия составляет **3,4 процента от страховой суммы**;<br>- при сроке страхования 48 (сорок восемь) месяцев и от 36 (тридцати шести) до 48 (сорока восьми) месяцев, страховая премия составляет **3,8 процента от страховой суммы**;<br>- при сроке страхования 60 (шестьдесят) месяцев и от 48 (сорока восьми) до 60 (шестидесяти) месяцев, страховая премия составляет **4,3 процента от страховой суммы**. |
| 4.4. Суғурта полиси Қарз олувчи томонидан мазкур оферта (оммавий оферта) акцептланиб, Суғурта мукофоти тўлиқ тўланганидан кейин тақдим этилади. Оммавий офертанинг шартлари ушбу келишувнинг шартларидан келиб чиқиб тузилиши ва ушбу келишувнинг шартларига зид бўлмаслиги шарт. Бунда оферта шартларига суғурта ҳодисасини истисно қилувчи қоидалар ва кутиш даври киритилишига йўл қўйилмайди.<br>Суғурта полиси Суғурталовчининг автоматлаштирилган ахборот тизим орқали электрон кўринишда ҳам тақдим этилиши мумкин. Автоматлаштирилган ахборот тизими орқали электрон кўринишда тақдим этилган суғурта полиси билан қоғоз кўринишида тасдиқланган суғурта полиси билан бир хил юридик кучга эга.<br>Суғурталовчи томонидан электрон суғурта полислар тақдим этилганидан сўнг, Суғурта қилдирувчининг талабига кўра, ҳар ойнинг 10, 20, 30 саналарида электрон полисларнинг қоғоз кўринишида Банк БХО ва БХМларига тақдим этилади. | 4.4. Страховой полис предоставляется после акцепта Заемщиком данной оферты (публичной оферты) и полной уплаты Страховой премии. Условия публичной оферты должны быть составлены исходя из условий настоящего соглашения и не противоречить условиям настоящего соглашения. При этом не допускается включение в условия оферты положений, исключающих страховой случай, и периода ожидания.<br>Страховой полис может быть также предоставлен в электронном виде через автоматизированную информационную систему Страховщика. Страховой полис, представленный в электронном виде через автоматизированную информационную систему, имеет такую же юридическую силу, как и страховой полис, утвержденный в бумажном виде.<br>После предоставления Страховщиком электронных страховых полисов, по требованию Страхователя, электронные полисы предоставляются в бумажном виде в ОСБ и ЦБО Банка ежемесячно 10, 20 и 30 числа. |

| | |
|---|---|
| 4.5. Ушбу Шартнома бўйича ўзаро барча ҳисоб-китоблар миллий валюта (сўм)да амалга оширилади.<br>4.6. Агар суғурта полисида суғурта пули ва/ёки суғурта мукофоти ушбу мазкур офертада белгиланган шартлардан фарқ қилса, суғурта полисида кўрсатилган миқдорлар қабул қилинади. | 4.5. Все взаиморасчеты по настоящему Договору осуществляются в национальной валюте (сумах).<br>4.6. Если в страховом полисе страховая сумма и/или страховая премия отличаются от условий, установленных в настоящей оферте, применяются суммы, указанные в страховом полисе. |
| **5. Мазкур офертанинг кучга кириши ва амал қилиш муддати** | **5. Вступление в силу и срок действия данной оферты** |
| 5.1. Мазкур оферта қарздор томонидан электрон равишда акцептланганидан сўнг кучга киради ва тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарилгунига қадар амалда бўлади.<br>5.2. Суғурталовчининг Қарз олувчиинг мажбуриятлари бўйича суғурта қопламасини тўлаш юзасидан жавобгарлиги суғурта мукофоти тўланганидан сўнг бошланади ва мазкур Қарз олувчи юзасидан берилган суғурта полисида кўрсатилган суғурта муддати давомида амалда бўлади. Суғурта мукофотининг тўлиқ тўланиш шарти билан суғурта муддатининг бошланиши ва тугаши кредитнинг ажратиш ва сўндириш муддати билан мутаносиб бўлади. | 5.1. Настоящая оферта вступает в силу после ее электронного акцепта должником и действует до полного исполнения сторонами своих обязательств.<br>5.2. Ответственность Страховщика по выплате страхового возмещения по обязательствам Заемщика начинается после уплаты страховой премии и действует в течение срока страхования, указанного в страховом полисе, выданном данному Заемщику. При условии полной уплаты страховой премии начало и окончание срока страхования соответствуют сроку выдачи и погашения кредита. |
| **6. Мазкур офертани бекор қилиш тартиби** | **6. Порядок расторжения данной оферты** |
| 6.1. Мазкур оферта ва оммавий оферта шартномаси амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.<br>6.2. Қарз олувчи кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини муддатидан аввал тўлиқ бажарса, Суғурта қилдирувчининг/Қарз олувчининг (Суғурта қилдирувчининг ёзма розилиги билан) талабига кўра, тўланган суғурта мукофотининг суғурта муддати ўтмаган қисмидан 25% миқдорида ушланма чегирилиб, қолган қисми Қарз олувчига қайтарилади.<br>6.3. Кредит шартномасига асосан кредит маблағи ажратилмаган тақдирда, Суғурта қилдирувчининг ёзма равишдаги тасдиғига кўра, суғурта мукофоти уни тўлаган шахсга қайтарилади. | 6.1. Настоящая оферта и договор публичной оферты расторгаются в порядке, установленном действующим законодательством.<br>6.2. В случае досрочного полного исполнения Заемщиком своих обязательств по кредитному договору, по требованию Страхователя/Заемщика (с письменного согласия Страхователя) из уплаченной страховой премии за неистекший период страхования удерживается 25%, а оставшаяся часть возвращается Заемщику.<br>6.3. В случае, если кредитные средства не были выделены на основании кредитного договора, при наличии письменного подтверждения Страхователя страховая премия возвращается лицу, ее уплатившему. |
| **7. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари** | **7. Права и обязанности Сторон** |
| **7.1.Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:** | **7.1. Права страхователя:** |
| 7.1.1. Суғурталовчидан суғурталаш шартларини бажарилишини талаб қилиши ва суғурта шартлари бўйича ҳар қандай тушунтиришлар олиши. | 7.1.1. Требовать от страховщика выполнения условий страхования и получать любые разъяснения по условиям страхования. |

| | |
|---|---|
| 7.1.2. Мазкур Шартнома амалда бўлган муддат мобайнида суғурта масалалари юзасидан бепул маслаҳатлар олиш.<br>7.1.3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, суғурталаш шартларида кўрсатилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиши. | 7.1.2. Получать бесплатные консультации по вопросам страхования в течение срока действия настоящего Договора.<br>7.1.3. Пользоваться другими правами, предусмотренными законодательством Республики Узбекистан и условиями страхования. |
| **7.2. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:** | **7.2. Обязанности страхователя:** |
| 7.2.1. Суғурта мукофотини суғурталаш шартида белгиланган муддатларда тўланишини назорат қилиши.<br>7.2.2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва мазкур мазкур офертада кўрсатилган бошқа мажбуриятларни бажариши шарт. | 7.2.1. Контролировать уплату страховой премии в сроки, установленные условиями страхования.<br>7.2.2. Выполнять другие обязательства, предусмотренные законодательством Республики Узбекистан и настоящей офертой. |
| **7.3. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:** | 7.3. Права страховщика: |
| 7.3.1. Мазкур Шартнома амалда бўлган муддат мобайнида Суғурта қилдирувчи билан биргаликда кредитни мониторинг қилишда иштирок этиш, ҳужжатлар ва Қарз олувчининг хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатини текшириш ва кредит шартномасида назарда тутилган мажбуриятлар ва кредит таъминотига оид тузилган битимларга тегишли маълумотларни олиш;<br>7.3.2. Қонунчиликда назарада тутилган бошқа ҳуқуқлар. | 7.3.1. В течение срока действия настоящего Договора участвовать совместно со Страхователем в мониторинге кредита, проверять документы и фактическое состояние хозяйственной деятельности Заемщика и получать информацию, касающуюся обязательств, предусмотренных кредитным договором, а также заключенных соглашений по обеспечению кредита;<br>7.3.2. Иные права, предусмотренные законодательством. |
| **7.4. Суғурталовчининг мажбуриятлари:**<br>7.4.1. Суғурта полисини суғурталаш шартларида белгиланган муддатларда бериши.<br>7.4.2. Суғурталаш шартларига мувофиқ, суғурта қопламаси тўловини ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш.<br>7.4.3. Суғурта қилдирувчини ва Қарз олувчини суғурта қопламаси тўлови рад этилганлиги тўғрисида улар суғурта қопламасини олиш талаби билан мурожаат қилгандан кейин 3 (уч) кун ичида рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма хабардор қилиши, унда рад жавобининг асосланган сабаблари кўрсатилган бўлиши шарт.<br>7.4.4. Суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги аниқланган тақдирда 3 (уч) календар куни ичида суғурта қопламасини Суғурта қилдирувчининг ҳисобварағига ўтказиш.<br>7.4.5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Мазкур офертада назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши. | **7.4. Обязанности страховщика:**<br>7.4.1. Выдать страховой полис в сроки, установленные условиями страхования.<br>7.4.2. Своевременно и полностью осуществлять выплату страхового возмещения в соответствии с условиями страхования.<br>7.4.3. Письменно уведомить Страхователя и Заемщика об отказе в выплате страхового возмещения в течение 3 (трех) дней после их обращения с требованием о получении страхового возмещения, с указанием обоснованных причин отказа.<br>7.4.4. В случае установления наступления страхового случая перечислить страховое возмещение на счет Страхователя в течение 3 (трех) календарных дней.<br>7.4.5. Выполнять и другие обязанности, предусмотренные законодательством Республики Узбекистан и настоящей Офертой. |

| 8. Суғурта қопламасининг тўлаш тартиби | 8. Порядок выплаты страхового возмещения |
|---|---|
| 8.1 Суғурта ҳодисаси содир бўлса, Суғурта қилдирувчи кредит шартномаси кучида бўлган давр мобайнида Суғурталовчининг (шу жумладан, унинг филиаллари ёки ҳудудий бўлинмалари) юридик ёки электрон почта манзилига суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги тўғрисидаги хабарни кўрсатган ҳолда суғурта товонини тўлаш тўғрисида талабнома юборади.<br>8.2. Талабнома қабул қилиб олинган кундан бошлаб, Суғурталовчи 10 иш куни ичида суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги аниқлайди (ўрганиб чиқади), Суғурта қилдирувчидан суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги фактини аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни сўраб олади. | 8.1 В случае наступления страхового случая Страхователь в течение срока действия кредитного договора направляет на юридический или электронный адрес Страховщика (в том числе его филиалов или территориальных подразделений) требование о выплате страхового возмещения с уведомлением о наступлении страхового случая.<br>8.2. В течение 10 рабочих дней со дня получения требования Страховщик устанавливает (изучает) факт наступления страхового случая, запрашивает у Страхователя документы, необходимые для подтверждения факта наступления страхового случая. |
| 8.3. Суғурта ҳодисаси мавжуд бўлганлиги аниқланган ҳолда Суғурталовчи ушбу шартноманинг 8.2.-бандида кўрсатилган муддат тугаган кундан бошлаб, 3 иш куни ичида Суғурта қилдирувчига тўлаб беради ёки суғурта товонини тўлашни рад этади. | 8.3. В случае установления наличия страхового случая Страховщик в течение 3 рабочих дней со дня истечения срока, указанного в пункте 8.2. настоящего договора, выплачивает Страхователю страховое возмещение или отказывает в его выплате. |
| 8.4. Суғурта товони тўлаб берилган кейин Суғурталовчи Қарз олувчига ёки амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай бошқа шахс ва ташкилотга нисбатан регресс бўйича барча ҳуқуқларга эга бўлади. Суғурта қилдирувчи барча хужжатларни расмийлаштириши ва суғурталовчига тақдим этиши ҳамда ушбу ҳуқуқларни суғурталовчига бериши шарт. | 8.4. После выплаты страхового возмещения Страховщик приобретает все права по регрессу в отношении Заемщика или любого другого лица и организации в соответствии с действующим законодательством. Страхователь обязан оформить все документы, предоставить их Страховщику и передать ему эти права. |
| 8.5. Суғурталовчи томонидан суғурта қопламаси қоплаб берилганидан кейин, Суғурта қилдирувчи зарарни ўрнини қоплаш учун қўлга киритган ҳар қандай манбалардан олинган пул маблағларини, қарз олувчи тўлов графигига кўра тўланиши лозим бўлган тўловларни суғурта товони тўланганидан кейин амалга оширса, Суғурта қилдирувчи 3 (уч) иш куни ичида ушбу тўловларни суғурта қопламаси доирасида суғурталовчига қайтариб бериши шарт. | 8.5. После выплаты страхового возмещения Страховщиком, в случае если Заемщик осуществляет платежи, подлежащие уплате согласно графику платежей, после выплаты страхового возмещения, Страхователь обязан в течение 3 (трех) рабочих дней вернуть Страховщику денежные средства, полученные из любых источников для возмещения убытков, в рамках выплаченного страхового возмещения. |
| 8.6. Суғурта товонини тўлаш рад қилинганда Суғурта қилдирувчи ушбу тўловни ундириш бўйича судга мурожаат қилади.<br>8.7. Қарз олувчининг айбли ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги натижасида Суғурта қилдирувчига зарар етказилганлиги аниқланиб, жиноят ишлари бўйича суднинг ҳукми билан зарар Суғурта қилдирувчига | 8.6. При отказе в выплате страхового возмещения Страхователь обращается в суд для взыскания данной выплаты.<br>8.7. Установление факта причинения ущерба Страхователю в результате виновных действий/бездействия Заемщика и определение взыскания ущерба в пользу Страхователя приговором суда по уголовным делам не |

| | |
|---|---|
| ундирилиши белгиланганлиги Суғурталовчи томонидан суғурта товони тўлаб берилишига монелик қилмайди. Бундай ҳолатда, талаб қилиш ҳуқуқи суброгацияга асосан Суғурталовчига ўтади. | препятствует выплате Страховщиком страхового возмещения. В таком случае право требования переходит к Страховщику на основании суброгации. |
| **9. Томонларнинг жавобгарлиги** | **9. Ответственность сторон** |
| 9.1. Суғурталовчи мазкур Шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан Қарз олувчи билан бирга кредитнинг суғурта қилинган қисми бўйича суғурта пули (товони) миқдорида Суғурта қилдирувчи олдида солидар жавобгар бўлади.<br>9.2. Суғурта товони белгиланган муддатда тўланмаган ҳолларда, кечиктирилган ҳар бир кун учун вақтида тўланмаган суғурта товонининг 0,5 фоизи миқдорида, бироқ тўланмаган сумманинг 50% дан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.<br>9.3. Томонлар ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ жавобгардирлар.<br>9.4. Мазкур оферта бўйича ўз мажбуриятларини бажармасликлари енгиб бўлмас куч (форс мажор) таъсирида келиб чиққан бўлса, томонлар жавобгарликдан озод бўладилар. Енгиб бўлмас куч таъсирида бўлган томон бошқа томонни бундай шарт-шароит юзага келганлиги ва қанча давом этиши мумкинлиги тўғрисида хабардор қилиши шарт. | 9.1. Страховщик несет солидарную с Заемщиком ответственность перед Страхователем по принятым на себя обязательствам по настоящему Договору в размере страховой суммы (возмещения) по застрахованной части кредита.<br>9.2. В случае невыплаты страхового возмещения в установленный срок Страховщик уплачивает пеню в размере 0,5 процента от своевременно невыплаченного страхового возмещения за каждый день просрочки, но не более 50% от суммы невыплаченного возмещения.<br>9.3. За неисполнение или ненадлежащее исполнение принятых на себя обязательств Стороны несут ответственность в соответствии с законодательством Республики Узбекистан.<br>9.4. Стороны освобождаются от ответственности, если неисполнение ими своих обязательств по настоящей оферте было вызвано действием непреодолимой силы (форс-мажором). Сторона, находящаяся под воздействием непреодолимой силы, обязана уведомить другую сторону о возникновении таких обстоятельств и о том, как долго они могут продолжаться. |
| **10. Низоларни ҳал этиш тартиби** | **10. Порядок разрешения споров** |
| 10.1.Мазкур офертадан келиб чиқувчи ёки у билан боғлиқ баҳслар, келишмовчиликлар тарафлар ўртасида келишув йўли билан ҳал этилади. Тарафлар ўртасидаги низолар келишув йўли билан ҳал этилмаганда, низолар амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда Қарз олувчи жойлашган худуддаги суд томонидан кўриб чиқилади. | 10.1. Споры и разногласия, возникающие из настоящей оферты или связанные с ней, разрешаются путем переговоров между сторонами. В случае, если стороны не смогут урегулировать споры путем переговоров, они подлежат рассмотрению в суде по месту нахождения Заемщика в порядке, установленном действующим законодательством. |
| **11. Бошқа шартлар** | **11. Другие условия** |
| 11.1. Ушбу мазкур офертага киритиладиган барча қўшимчалар ва ўзгартиришлар ёзма равишда амалга оширилиши шарт.<br>11.2. Томонларнинг ушбу мазкур офертада баён этилмаган ўзаро муносабатлари | 11.1. Все дополнения и изменения, вносимые в настоящую оферту, должны быть осуществлены в письменной форме.<br>11.2. Взаимоотношения Сторон, не изложенные в настоящей оферте, регулируются |

| | |
|---|---|
| Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.<br>11.3. Мазкур оферта бўйича томонлар, ҳар бир томоннинг вакиллари ёки ходимлари ушбу мазкур офертага алоқадор ҳар қандай маълумотларни ҳар бир томоннинг аввалдан берилган ёзма розилигиз ошкор қилмайдилар.<br>11.4. Ушбу мазкур оферта бир хил юридик кучга эга бўлган ҳамда бир нусхадан Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчида сақланадиган 2 (икки) нусхада тузилди. | действующим законодательством Республики Узбекистан.<br>11.3. Стороны по настоящей оферте, представители или сотрудники каждой из Сторон не будут раскрывать какую-либо информацию, связанную с настоящей офертой, без предварительного письменного согласия каждой из Сторон.<br>11.4. Настоящая оферта составлена в 2 (двух) экземплярах, имеющих одинаковую юридическую силу, по одному экземпляру для Страховщика и Страхователя. |